

КОМПАРАТИВ-АДЪЕКТИВ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ СЕМАНТИК МАЙДОНИН ШАКЛЛАНТИРИШ

Мамбеталиева А.Б. – ҚДУ, магистратура босқич талабаси

Аннотация: Мазкур мақола компаратив-адъектив фразеологик бирликларнинг инглиз ва қорақалпоқ олам миллий манзарасида воқеланиш хусусиятларин таҳлил қилишга қаратилган. Фразеологик бирликлар (ФБ) ва уларнинг компонентларининг гавдаланиш ўзига хосликларин инглиз ва қорақалпоқ тиллари мисолида таҳлил қилишни мақсад қилиб қўйганмиз. Ушбу гуруҳга инсонни баҳоловчи ФБ лар ва уларнинг компонентлари танланган ва таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар: фразеология, компаратив-адъектив фразеологик бирлик, тил, мадания, тузилиш

Key words: phraseology, comparative-adjectival phraseological unit, language, culture, structure

Ключевые слова: фразеология, компаративно-адъективная фразеологическая единица, язык, культура, структура

Инсон тили энг камида учта ижтимоий вазифани бажаради: ижтимоий алоқа воситаси, ҳар хил табиий ҳодисаларнинг семиотик белгиси ва тафаккурни шакллантирувчи когнитив вазифаларни бажариш [150;14-156]. Мазкур учта вазифа вербал ва новербал воситалар ўзаро таъсири натижасида маданиятлараро мулоқотда ўз аксини топади [61;117]. Тил маданият билан чамбарчас боғлиқдир. У тафаккурнинг асосий моҳиятини акс эттириб, маданиятлараро мулоқотда алоҳида ажралиб туради. Ўз вақтида В.фон Гумбольдт таъкидлаганидек, «Сезгилар ва ғоялар ўзаро алмашилишига асосланган, ҳаётий ташкил этилган суҳбат тилнинг марказини билдиради, унинг моҳиятини биз товушлар ва жавоб товушлари, нутқ ва жавоб нутқи деб тасаввур этамиз: тилнинг келиб чиқиши ва ўзгариши бир инсонга боғлиқ эмас, балки инсонлар жамоасига боғлиқдир. Ҳар бир инсоннинг тил қобилияти унинг қалбининг чуқур жойларида сақланади ва фақат алоқа-аралашув шароитидагина ҳаракатга келади» [53;380-381].

Адъектив ва бошқа ўхшатишлар учун икки планли маънолар хос: бири иккинчиси билан қиёсланади. Маъноларнинг бундай структураси фразеологик маъноларнинг алоҳида турини, компаратив фразеологияни ташкил этади.

Адъектив ўхшатишларнинг биринчи компоненти одатда ўз асл маъносига қўлланилади. Иккинчи компонент доим биринчи компонентда ифодаланган белгини кучайтириб ифодалайди. Биринчи компонент ўхшатиш асосидир, иккинчи компонент ўхшатиш объектидир. Ас боғловчиси- боғламадир. Ўхшатиш

субъекти-матнда мавжуд бўлган эркин элемент: *(as) good as gold* – жақсы адам алтын киби;

Мисол: *Gertrude Morel was very ill when the boy was born. Morel was good to her, as good as gold (D.H.Lawrence).*

Келтирилган мисолда Gertrude Morel – ўхшатиш субъекти, good – ўхшатиш асоси, gold – ўхшатиш объекти, as – боғламалар каби компонентлар ёрдамида компаратив-адъектив фразеологик бирлик пайдо бўлган.

Адъектив ўхшатишларнинг тилда пайдо бўлишида биринчи компонентда берилган ўхшатишга қўшимча маълумот бериш зарурати туғилади, бусиз эса у ноаниқ ҳисобланади.

Сифатларнинг қиёсий даражаси билан қўлланилган компаратив оборотлар мавжуд: *more dead than alive* – я өли, емес я тири (чарчоқдан), ўлгудек чарчаган.

More honoured in the breach than (in) the observance Шекспир асаридаги персонал ФБ шахсни ифодаловчи баъзи оборотлардан биридир. Ушбу ФБ амал қилишга нисбатан «тез-тез издан чиқади» (қонунлар, урф-одатлар) ва б.

To my mind the afternoon call is a convention more honoured in the breach than the observance (W.S.Maugham)

Ушбу сўз бирикмасининг образлилиги иккинчи компонентда ифодаланган ўхшатишнинг бошқа предметлар синфига, ҳодисалар ва шахсларга тегишлилиги билан юзага келади, масалан, *he is as brave as a lion-арысландай айбатлы*. Бунда образлилик инсонни шер билан қиёслаш натижасида юзага келган, агар шербаччани шер билан таққосласак, ўхшатишнинг образлилиги йўқолади, образли ўхшатиш (simile) ўрнига образсиз (comparison) ифода майдонга келади.

ФБ лардаги ўхшатиш ўзида ижобий ёки салбий баҳолаш маъносини ифодалаши зарур, масалан, *(as) bold ёки brave as a lion- арысландай айбатлы; (as) fierce as a tiger – йўлбарсмай шаққан; (as) pretty as a picture – перий киби гөззал*.

Баҳолаш характери биринчи компонент семантикасига боғлиқ. Баъзи ҳолларда иккинчи компонент ҳам ҳал қилувчи роль ўйнайди, масалан, *(as) fat as a pig- шошқадай семиз*, тўйғазилган чўчқа каби, *(as) fat as butter- қамырдай ашыган, майдай азыт атыр*.

Адъектив ўхшатишлар икки компонентли бўлади. Унда иккинчи компонент сифатида турли лексемалар ёки лексема бирикмалари қўлланилиши мумкин. Масалан: *(as) welcome as flowers in May–баҳардеги гўллардей б*.

Адъектив ўхшатишлар инсонларнинг ва предметларнинг ҳар хил сифат ва хусусиятларини билдириши мумкин.

Адъектив ўхшатишларнинг инсонларга тегишлилари: *(as) cool as a cucumber* – бутунлай осойишта, аччиқланмаган; *(as) brown as a berry– жуда тобланган (қуёшдан)*, шоколад рангли (ушбу бирикмада brown сўзи қадимги «қора»

маъносини сақлаган); *(as) pretty as a picture* – расм каби гўзал; *(as) true as steel* – қалби ва танаси билан берилган; *(as) ugly as sin* – ўлик гуноҳ каби қўрқинчли; *(as) vain as a peacock* – манман, шуҳратпараст, товус каби муҳим; *(as) wise as Solomon* – Соломон каби доно. Одатда ўхшатишлар бир маъноли бўлади. Аммо икки фразеосемантик вариантлар ҳам ўхшатишда учрайди. Полисемантик ўхшатишлар ниҳоятда оз. Бундай ўхшатишларда иккинчи компонент фақат кучайтириш вазифасида, баъзан маъноларни фарқловчи бўлиб ҳам ишлатилади.

Айрим компаратив-адъектив фразеологик бирликлар бир қанча маъноларни ифодалаш мумкин, жумладан *(as) weak as water* куйидаги маъноларни билдиради:

1) Заиф, дармонсиз: *Sir, I am just getting well of a fever, and I am as weak as water (Ch.Reade).*

2) Ярим эркин, эркисиз, ожиз характерли: *You're very of swearing and blistering and threatening, but when it comes to the point you're as weak as water (N.Coward)*

(As) sober as a judge ўхшатиши инсонни ифодаловчи иккита фразеологик вариантига эга: 1) бутунлай тетик; 2) фикрлари соғлом, соғлом фикр этувчи.

Баъзи компаратив ФБ инсон танаси қисмларини тасвирлаш учун қўлланилади:

(as) heavy as lead – қўрғошин билан қўйгандек. *His head felt empty, his feet heavy as lead (A.J.Cronin).*

(as) pale as ashes – кучли оқарган (юзи). *Presently Montanelly rose and came back with lips as pale as ashes (E.Voynich).*

Компаратив ФБ инсоннинг ёки нарсанинг хусусиятини ифодалаш мумкин: *(as) hard as a bone* – скелет каби мустаҳкам: *Owing to the untense cold the ground was as hard as a bone;*

Золим, аёвсиз: *It's not much use your expecting any generosity or kindness from him. He's as hard as a bone in anything that concerns his own interests.*

Пичоқдек ўткир: *How the boys admired that knife, the vicious shape of it and its shininess, the point was as sharp as a needle (J.Steinbek)*

Кузатувчан, сезгир: *I know a solicitor here – he's a patient of mine – of the name of Gooch, a fat fellow but sharp as a needle (J.B.Priesley).*

Шунга ўхшаш семантик структура бошқа адъектив ўхшатишларда ҳам бор: *(as) light as a feather* – патдай енгил (нарса ва одам ҳақида); *as like as two peas* – икки томчи сув каби ўхшаш (предмет ёки одам ҳақида); *(as) slippery as an eel* – баландлик каби тойғоқ (предмет ва одам ҳақида); *(as) tough as old boots* – 1) эски пошнадек қаттиқ (овқат ҳақида.); 2) энг чидамли, фикрида мустаҳкам (одам ҳақида); қаттиқ қўл (одам ҳақида).

Адъектив ўхшатишлар инсонга ҳам, ҳайвонга ҳам тегишли бўлиши мумкин: (as) *free as (the) air* – шамол каби эркин (инсон ва ҳайвон тўғрисида).

(as) *dead as a doornail* (ёки *as mutton*) ФБ лиги инсонга, урф-одатга, анъанага тегишли бўлиши мумкин:

1) Ҳаётдан асар ҳам йук, нафас олмаслик; бутунлай ўлди (ҳалок бўлди): *Old Marley was as dead as a doornail (Ch.Dickens)*;

2) Ўлик ҳарфга айланган, кучидан айрилган, хусусиятидан айрилган, қўлланишдан чиққан, изсиз йўқолган: *Mr.Crabbe was as dead as mutton, but Mr.Crabbe continued to write moral stories in rhymed couplets (W.S.Maugham)*.

Dead сўзи биринчи фразеологик вариантда ўз маъносида иккинчисида метафорик қўлланган. Шундай ҳолат юқорида келтирилган ўхшатишларда ҳам кўринади: (as) *slippery as an eel* ва (as) *tough as old boots*. Келтирилган иборалар ФБ ликнинг барча маънолари қисман ўзгарган ёки тўла ўзгарган компаратив типнинг фразеологик вариантлари ҳисобланади.

Инглиз ва қорақалпоқ тилларидаги инсонни ифодаловчи ФБ ларни қиёсий таҳлил этиш уларнинг структур-грамматик, семантик сатҳларда муҳим ўхшашликлари борлигини кўрсатди. Инглиз ва қорақалпоқ тиллари ҳар хил қурилишдаги тиллар бўлишига ва улар ФБ лари компонентлари орасида синтактик муносабатларнинг ҳар хил усулларда ифодаланишига қарамасдан, субстантив, феъл ва адъектив фразеологизмлар кичик турлари орасида структурал мосликлар мавжуд, бу эса, ўз навбатида, иккала тил ФБ лари ўртасида ўзаро эквивалент ва анологик муносабатларини аниқлашга замин яратади.

Адабиётлар рўйхати

1. Карасик В.И. О категориях лингвокультурологии // Языковая личность: проблемы коммуникативной деятельности.- Волгоград: Изд-во ВГПИ, 2001.- С. 3-16
2. Kdyrbaeva, G. K. (2021). VERBALLATION OF CONCEPTUAL FIELD UNITS AS “MAN”-“ADAM” IN FOLKLORE TEXTS. *Theoretical & Applied Science*, (3), 388-390.
3. Корнилов О.А. Языковая картина мира как производные национальных менталитетов.- М.: Че Ро, 2003.- 347 с.
4. Маслова В.А. Номолингвализв культуре.- М.: ИТДГК «Гнозис», 2007.- 175с
5. Маслова В.А. Лингвокультурология.- М.: Изд. Центр Академия, 2001.- 14-15 б.
6. Федулянкoвa Т.Н. Английская фразеология.- Архангельск: АГУ, 2000.- 192 с